Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 63 (6953). | 4 апрель, 1979 йил | ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ҚЎЗИ ОЛИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар қўзилатиш мавсумини намунали ўтказиб, бу борадаги йиллик планларини муддатидан илгари бажаришди. Хўжаликдаги мавжуд 1300 бош совлиқдан 1367 бош соғлом ва бақувват қўзи олинди.

Чорвадорлар ўртасида уюштирилган социалистик мусобақада бош чўпон Мусабек Мусахонов пешқадамлик қилаётир. Тажрибали чўпон бошчилик қилаётган отарда 660 бош соғлом ва бақувват қўзи олинди. Еки ҳар юз бош она қўйдан олинган қўзилар сони 110 тага тўғри келди. Бош чўпон Жумабек Тўрғанбеков қўлга киритаётган ютуқлар ҳам салмоқли бўлмоқда. Бу отарда ҳозиргача 202 бош соғлом қўзи олинди. 30 бош совлиқ эгиз қўзилади.

Колхозда қўзилатиш давом этмоқда. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан чўпонлар мавсум охиригача ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қўзи олиш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.



БЕКОБОД районидаги «КПСС XXV съезди» совхози пахтакорлари чигит экишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўришган. Айниқса, Мухторхон Аъзамов бошлиқ бўлим ишчилари шу кунларда экиш кампаниясини қизғин бошлаб, қисқа муддатларда тугаллаш чораларини кўрмоқдалар. Суратда: бўлим бошқарувчиси М. Аъзамов механизаторлар ва бригада бошлиқлари билан суҳбатлашмоқда.

М. Қорабеков фотоси.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙМОҚДА

Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси ҳар кеча-кундузда 260 мингтадан тухум бера бошлади. Шундай қилиб, унинг қуввати беш йиллик бошидан буён икки баравар ошди. Бунга реконструкция туфайли эришилди. Корхонада товуқлар катакларда парвариш қилинмоқда, бу ерда қўшимча бинолар барпо этилган, паррандалар парваришини яхшилаш имконини берган асбоб-ускуналар монтаж қилинди. Бу йил фабрикада тухум етиштиришни 80 миллион донага етказиш мўлжалланмоқда.

«Ўзптицепром»нинг бошқа корхоналари ҳам реконструкция қилинмоқда. Фабрикада йил бошидан буён ҳозиргача 150 миллион дона тухум олинди. Бу эса бултур биринчи кварталда эришилган кўрсаткичдан йигирма миллион дона кўпдир.

(ЎзТАГ).

ПАХТАЧИЛИКДА САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

НАМАНГАН, 3 апрель. (ЎзТАГ). «Қизил равот» элита-уруғчилик совхози республикада мўл пахта ҳосили етиштириш билан ном чиқарган. Совхоз хўжалик юритишнинг прогрессив форма ва методларини, илғор тажрибани жорий этиш, ишларни юксак даражада механизациялаш, фан ва техника ютуқларини самарали қўлланиш асосида шундай мўл ҳосил олишга муваффақ бўлмоқда. Бу хўжаликда область семинар-кенгаши ўтказилди. Бу семинарда пахтадан мўл ҳосил етиштираётган моҳир усталар, колхоз ва совхозларнинг, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, партия, совет ходимлари қатнашдилар. Семинар-кенгашда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. Уркинбоев иштирок этдилар.Область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов прогрессив методларни жорий этиш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва унинг асосий тармоғи бўлмиш пахтачиликни юксалтириш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар юқори ҳосил учун курашнинг ҳамма босқичларида прогрессив методларни, фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютуқларини колхоз ва совхозлар практикасига кенг жорий этиш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Ҳозирги пайтда чигитни қисқа муддатларда ва агротехника жиҳатидан юксак даражада ўтказиш жуда муҳимдир. Чигитни аниқ миқдорда экишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу чора уруғлик чигит сифатини яхшилайди.

Тупроқнинг қатқалоқ бўлишига йўл қўймайдиган самарали усулни қўллаб-қувватлаб кенг ёйиш керак. Бу усул республикадаги илғор хўжаликларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Ана шу хўжаликларда сеялкаларга оддий усулда тайёрланган қурилмалар ўрнатилади ва улар ёрдамида тупроққа қуруқ органик ўғитлар, кул, лигнин ва қум солинади. Бу метод чигитнинг бир текис униб чиқиши ва илк вегитация даврида ниҳолларни сақлаб қолиш имконини беради.

Илғорларнинг бошқа бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш керак. Улар минерал ўғитларни энг мақбул муддатларда моҳирлик билан ишлатиб, озиқлантиришни 20 июнгача тамомлайдилар. Бу эса пахтанинг етилишини тезлаштиради, барвақт ҳосил олиб, уни кузги ёғингарчилик бошланишига қадар йиғиштириб олишга ёрдам беради.

Семинарда ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш усулини кенг қўлланиш зарур эканлиги тўғрисида гап борди.

Областдаги кўпгина колхоз ва совхозларда нарядсиз звено системаси жорий этилди. Пировард натижаларга — олинадиган ҳосилга қараб меҳнат ҳақини белгилашга асосланган илғор усулни ҳамма жойда қўлланиш зарур. Бу усул пахтакорнинг ўз меҳнати учун масъулиятини оширади, меҳнат унумдорлигини ўстириш учун яхши омил бўлиб хизмат қилади.

Семинар-кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, чорвачиликни интенсивлаш, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш ишида мавжуд имконият ва резервлардан ҳар томонлама фойдаланиш, чорвачиликни саноат усулига кўчириш асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кенгайтириш, шу жумладан паррандачилик ва чўчқачиликнинг тез етиладиган тармоқлари ҳисобига чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун реал шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Область чорвадорлари 1979 йилда гўшт етиштиришни 22 процент, сут етиштиришни 25 ва тухум етиштиришни 36 процент кўпайтиришга қарор қилдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У республика қишлоқ хўжалиги йил сайин тобора кўп замонавий техника, капитал маблағ, минерал ўғитлар олаётганлигини, малакали кадрларнинг янги отряди колхоз ва совхозларга бораётганлигини уқтириб ўтди. Мавжуд барча ресурслардан фойдаланиш, яхши уюштирилган ва ғоят унумли меҳнат, илғорларнинг тажрибаси — буларнинг ҳаммаси область пахтакорларининг экиш кампаниясини қисқа муддатларда, агротехника жиҳатидан юксак даражада ўтказишлари, ғўзани яхши парвариш қилишлари, бу йил камида 480 минг тонна «оқ олтин» етиштириб, давлатга топширишлари имкониятини беради.

Беш йилликнинг тўртинчи йили пахтакорлар, қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари янги меҳнат зафарларига эришадиган йил бўлиб қолиши керак. Қишлоқ меҳнаткашлари янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун деҳқончилик маданиятини юксалтиришлари, ихтисослаштириш ва концентрациялашни, техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этишлари, ҳамма ишларни механизациялаштириш-лари, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни кўпайтиришга, барча сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришишлари зарур. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг берган маслаҳатлари ва тавсиялари худди шу ишларни бажаришга чорлайди.

ЧИГИТ ЭКИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАМИЗ

«Эрта экқан ҳирмон қилур, кечикканлар армон қилур», деб халқ мақолида бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, баҳорнинг ҳар бир дақиқаси қадрига ета билиш керак. Шундагина иш юришиб, кўзланган маррани эгаллаш мумкин бўлади. Буни яхши билган деҳқонларимиз хўжалигимизнинг қирлик зоналарига жойлашган пахта майдонларида тажриба тариқасида чигит экишни бошлаб юбордилар. Бу ерларга сизот сувлари анча узоқ жойлашганлиги сабабли ҳар йили барвақт етилади, март ойларининг охирларида, апрель ойининг бошларидаёқ чигитнинг нормал ривожланиши учун ерда етарли ҳарорат тўпланади.

Яхши ният билан ерга барака уруғи қадаётган миришкорларимиз ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида мавжуд 1010 гектар майдонининг ҳар гектаридан планда белгиланган 29 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» хирмони яратиш иштиёқи билан яшамоқдалар. Зиммамиздаги юксак социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун чигит экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрдик. Эрта баҳордаёқ барча колхозчилар далага сафарбар қилиниб, пахта майдонлари кўп йиллик бегона ўт илдизларидан, ғўзапоялардан бутунлай тозаланди.

Далаларда тракторларнинг юқори унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида якка тут дарахтлари қўпориб ташланди. Улар ўрнига ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида планли равишда 600 минг туп тут кўчати экдик. Уват ва пайкал четларидаги кераксиз йўлларни текислаб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Амалга оширилган бу тадбирлар натижасида экин майдони шу йилнинг ўзидаёқ яна 50 гектарга кўпайтирилди.

Ҳар йилгидек техника ремонтини сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бердик. Манжуд экиш агрегатлари, сеялкалар барвақт ремонтдан чиқарилиб, старт чизиғига қўйилди. Чигит экиш олдидан барча экиш агрегатлари хўжалик мутахассисларидан иборат комиссия томонидан акт қилиниб, қабул қилинди. Биз бунда асосий эътиборни трактор сеялкасининг ҳолатига, культиватор ва СУЗ ишчи органларининг тўлиқлиги ва тўғри жойлашганлигига, ПГС —гербицид сепадиган агрегатнинг ишлашига, сеялканинг чигит ташлаш тезлигига қаратдик. Бундан ташқари хўжаликнинг энг моҳир тракторчиси ва сеялкачиси номини олиш учун махсус конкурс ташкил қилдик. Бу конкурсда чигит экишда қатнашадиган барча механизаторлар ва сеялкачилар жалб этилди. Трактор-чилардан Ғофир Қаюмов, Абдушукур Ҳасанов, Иннокентий Эм, сеялкачилардан Аҳмад Таланов, Тоживой Бойқўзиев, Абдусалом Багажиевлар конкурс ғолиби бўлиб, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти таъсис этган мукофотни олдилар.

Чигит экишни тез ва соз ўтказиш учун бу йил биринчи маротаба ипатоволиклар иш методини жорий қиляпмиз. Биз бу методга амал қилиб, хўжалигимиз бўйича иккита экиш транспорт отряди туздик. Ҳар бир отрядга 5 тадан звено бириктирилган. Далани экишга тайёрлаш звеносига битта бульдозер, иккита грейзер, чизель ва бароналар бириктирилган. Бу звено аъзолари ҳозиргача барча майдонларда ишларни тугалладилар. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд экин майдонлари чигит экишга шай қилиб қўйилди.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

Экиш звеноларининг ҳар бирига 10 тадан трактор бириктирилган. Биз ҳар бир трактор билан мавсумда 50 гектар майдонга барака уруғи қадаймиз. Шу йўл билан экишни 6—7 иш кунида тугаллашни мўлжалламоқдамиз.

Экиш агрегатларига чигит ва бошқа воситалар етказиб бериш вазифаси транспорт отряди зиммасига юклатилган. Бу звено ҳам етарли миқдорда техника воситаси билан таъминланди. Бундан ташқари, техникага хизмат кўрсатиш ва механизатор ва сеялкачиларга маиший хизмат кўрсатиш звеноларига ҳам ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар бириктириб қўйилди.

Шу кунларда олдимизда турган асосий вазифа — чигит экишни намунали ўтказиш, бир текис ва бехато ундириб олишдан иборатдир. Бунинг учун етарли миқдорда юқори кондиция ҳолатига келтирилган уруғликка эгамиз. Экиш билан бир қаторда барча майдонларга бегона ўтларга қарши гербицидлар сепилади. Ҳар гектар майдон ҳисобига 1—1,2 килограммдан химикатлар ажратилган. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ариқ-зовур чекналари, йўл ёқалари дориланади.

Одатда деҳқон ерга уруғ қадаш олдидан, ўтган йил қўлга киритилган ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилади. Деҳқонларимиз ҳам ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни энди такрорламаслик учун тегишли тадбирларни белгилаб олдилар. Дарвоқе, бу камчиликлар нималардан иборат эди?

Аввало, шуни айтиш керакки, биз чигит экишда бироз шошма-шошарлик қилгандик. Бунинг натижасида 410 гектар ер сифатсиз тайёрланиб, 315 гектар майдондаги бегона ўт илдизлари ўз вақтида териб олинмаганди.

Хўжалигимизда органик ўғитдан фойдаланиш даражаси анча камайиб кетди. Бунинг натижасида уч-тўрт процент миқдорда ҳосил йўқотилди. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашишда сусткашликка йўл қўйганлигимиз сабабли кўсак қурти хўжалигимизга катта зарар етказди.

Мутахассисларимизнинг ҳисоб-китобига қараганда юқорида қайд қилиб ўтилган ана шундай камчиликлар сабабли мўлжалдагидан 451 тонна кам ҳосил олдик. Ўтган йили колхозимиз бўйича ҳосилдорлик гектар ҳисобига 30 центнерни ташкил этди.

Бу — биз учун аччиқ сабоқ бўлди.

Пахтачиликка механизацияни, илғор тажрибани, фан ютуқларини кенг жорий этилмоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, бу йилдан эътиборан колхозимиз ўзининг биологик лабораториясига эга бўлади. Энди қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши планли кураш олиб бориш имконияти туғилди. Табиийки, бу ҳол ҳосилдорликни ошириш, айни вақтда етиштирилган маҳсулот таннархини камайтиришга олиб келади.

КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини ўзларининг жанговар иш программасига айлантирган колхозчиларимиз пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун мавжуд резерв ва имкониятларни тўла ишга соладилар. Зиммамиздаги юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажариб, республикамизнинг 5 миллион 700 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

М. КАРИМОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз раиси.

Ў. СОЛИЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Республикамиз пойтахтидаги бадиий буюмлар фабрикаси чеварлари ҳар йили ўтказиладиган коммунистик шанбаликда фаол қатнашадилар. Улар улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига бағишлаб шу йилнинг 21 апрелида бўладиган меҳнат байрамига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Қизил шанбалик ўтказувчи штаб барча тайёргарлик ишларини тугатди.

Шу куни корхона ишчи-хизматчиларидан 1,5 мингдан ортиқ киши ўз меҳнат постини эгаллайди. Ҳаммаси бўлиб 48 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади. 28 хил буюм эса Сифат белгиси билан тайёрланади. Тушадиган 6 минг 200 сўмлик иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Кўпчилик ишлаб чиқариш пешқадамлари шанбаликда ҳар қачонгидан ҳам унумли ва сифатли меҳнат қилишга ваъда бердилар. Ҳозирги вақтда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлаётган моҳир чеварлардан Т. Идрисова, Р. Шарофиддинова, М. Аҳмадхўжаева, Т. Кобликова, М. Хабибуллаева, М. Абдукамолова ва бошқалар коммунистик меҳнат байрами кунида нормани 180—200 процентдан бажаришга қарор қилдилар.

Фабриканинг ишчи-хизматчиларидан катта бир группаси корхона территориясини ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш ишларида қатнашади.

С. СУЛТОНОВ.

МЕТРО КОЛЛЕКТИВИ МЕҲНАТ БАЙРАМИДА

Тошкент метроси линиясида Бутуниттифоқ шанбалик куни йўлга чиқадиган биринчи составни машинист Ю. Шоқосимов бошлиқ энг яхши комсомол ёшлар бошқариб борадиган бўлди. У ёрдамчиси Н. Муҳитдинов билан бирга меҳнат байрамини бошлаб боради. Бошқа 14 экипаж ҳам Ильич туғилган куннинг 109 йиллигини зарбдор иш билан нишонлашга аҳд қилди. Ана шу экипажлар 21 апрелда йўловчиларни ташиш билан банд бўлади.

Метрополитеннинг қолган меҳнатчилари штаб ишлаб чиққан конкрет планга мувофиқ коммунистик шанбаликда иштирок этадилар. Шу куни 4 вагонга техникавий хизмат кўрсатиш, 92 алоқа асбобини ремонтдан чиқариш, бошқа ишларни бажаришга қарор берилди.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

КАЛИНИН районидаги «Партия XXI съезди» совхозида ўз ишининг устаси бўлган миришкор деҳқонлар кўпчилиги ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу совхоз фақат районда эмас, балки областдаги пешқадам хўжаликлардан ҳисобланади.

Совхознинг энг илғор ҳисобланувчи 1-бўлимига тажрибали мутахассис Алексей Пак раҳбарлик қилаётир. Бу коллектив бир неча йилдан бери ўзаро социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда.

Бўлим сабзаватчилари, айниқса, ўтган йили мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, юксак кўрсаткичларга эришдилар. Улар шаҳар меҳнаткашлари дастурхонига социалистик мажбуриятда белгиланган 2800 тонна ўрнига 3300 тонна сифатли сабзавот етказиб бердилар. Шунинг учун ҳам совхоз раҳбарлигидаги бригада сабзавоткорлари 700 тонна ўрнига 921 тоннадан кўп маҳсулот етиштиришга муваффақ бўлишди.

— Бу йилги режаларимиз янада улкан, — дейди бўлим бошқарувчиси Алексей Пак. — Сабзаватчиларимиз КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларига жавобан бу йил қабул пунктларига камида 3500 тонна маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бунинг учун пухта замин яратиб қўйганмиз. Сифатли шудгор қилинган ерларимиз гектар ҳисобига 15 тоннадан маҳаллий ўғит, 500 килограммдан суперфосфат ўғитлари билан озиқлантирилган. Шу кунгача ҳамма сабзавот турларини экиб бўлдик. Асосий мақсадимиз — ҳар гектар майдондан икки марта ҳосил олишдир.

Қ. ТЎЛЕБОЕВ.



ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи цехлари ўртасидаги мусобақада 1979 йилнинг биринчи квартали якунлари бўйича цех коллективи ғолиб чиқди. Суратда: цехнинг илғор ишчиси, металл қуювчи Рихсивой Шамаев.

В. Сироткин фотоси.

ТОШКЕНТ МАРКАСИ БИЛАН

Тошкент экскаватор заводининг меҳнатчилари Коммунистик шанбалик куни республика мелиораторларининг буюртмаси — икки кудратли машинани тайёрлаб беради.

Металл конструкциялар цехининг электр пайвандчиси Юрий Фоминский ва унинг ўртоқлари 21 апрелни энг юксак унумдорлик кунига айлантиришга аҳд қилдилар. Йиғув цехининг илғор ишчилари Рашид Ҳамроқулов, Владимир Романов ҳам худди шундай ишлашга қарор бердилар.

Меҳнат байрамида сал кам 2 минг киши иштирок этади. Улар 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бунинг кўп қисми тежаб қолинган электр энергия ва материаллар ҳисобидан тайёрланади.

(ЎзТАГ мухбири).

БИЛИМ ЮРТИ БАЙРОҒИДА ВЬЕТНАМ ОРДЕНИ

2 апрель куни тантанали вазиятда Тошкент шаҳридаги 57-ҳунар-техника билим юртига Вьетнам Социалистик Республикасининг Дўстлик ордени топширилди. Билим юрти малакали ишчи-кадрлар тайёрлашда қардош мамлакатга ёрдам бериш соҳасидаги хизматлари учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

ВСРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Нгуен Хиу Кхиеу билим юрти байроғига орденни қадаб қўйди. У айтдики, қаҳрамон вьетнам халқи қўлига қурол олиб маочи агрессорларга қақшатқич зарба берган кунларда Тошкентдаги билим юртига Вьетнамнинг юксак мукофоти топширилаётганлиги қувончли бир ҳолдир. Элчи билим юрти коллективини мукофот билан табриклаб, вьетнам халқига ҳар томонлама мадад ва ёрдам берганликлари учун, шу жумладан малакали ишчилар тайёрлашда кўмаклашганликлари учун совет кишиларига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Тошкентдаги 57-ҳунар-техника билим юрти ўн йилдан буён Вьетнам учун машинасозлик касбидаги ишчилар тайёрлаб бермоқда. Шу йиллар мобайнида бу ерда вьетнамлик йигит ва қизлардан олти юздан кўпроқ киши термист, слесарь, электрогаз пайвандчи ишчи касбларини эгаллади. Корхоналар ҳам, шу жумладан Тошкент трактор заводи, «Узбекэльмаш», «Ташкенткабель», «Экскаватор» заводлари вьетнамлик ўқувчиларни ўқитиш соҳасида кўп иш қилмоқдалар. Ўқувчилар шу корхоналарда ишлаб чиқариш практикасини ҳам ўтадилар.

Йиғилишда билим юртида ишчи касбларини ўрганаётган вьетнамлик йигит ва қизлар номидан бўлғуси электрогаз пайвандчи Фан Тхань Зян сўзга чиқди. У билим юртида ўқишдан олдин қўлига қурол олиб бир неча йил давомида ўз мамлакатини Америка агрессорларидан озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашди.

—Биз Совет Иттифоқида таълим олган йиллар мобайнида кўп нарсани билиб олдик, кўп нарсаларни ўргандик,—деди Фан Тхань Зян. —Биз ватанимиздан олисда яшаётганлигимизга қарамай, совет кишиларининг ғамхўрлиги ва ҳароратини доимо сезиб турибмиз.

Йиғилиш қатнашчилари мустақиллик, озодлик ва социал тараққиёт учун курашда мардлик, матонат ва фидокорлик рамзи бўлиб қолган қаҳрамон Вьетнам халқига янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов нутқ сўзлади. Мукофотлаш маросимида СССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети раисининг ўринбосари П. Д. Селиванов иштирок этди.

* * *

Вьетнам Социалистик Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Хиу Кхиеуни 2 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев қабул қилди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТЛАР ТАКЛИФЛАРИ АМАЛДА

Район, шаҳар партия конференцияларида сўзга чиққан коммунистлар ҳисобот даврида тўпланган тажрибаларни умумлаштирдилар, камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатдилар. Партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, жамоат ташкилотларига партия раҳбарлигини яхшилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш каби муҳим масалаларга катта эътибор берилди, қимматли таклифлар ва танқидий мулоҳазалар билдирилди.

Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари З. Т. МАҲСУМОВ мухбиримиз билан суҳбатда партия конференциясида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

ШУ кунларда районимизда бўлган киши яратувчилик меҳнатининг гувоҳи бўлади. Пахтакорлар, саноатчилар, қурувчилар, турли касб эгалари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам янгидан-янги зафарлар қучиш учун курашмоқдалар. «Оқ олтин» ижодкорлари техникани баҳорги экин экиш кампаниясига тахт қилиб қўйишди, сув шохобчалари тартибга келтирилди, етарли миқдорда ўғит жамғарилмоқда.

Партия ташкилотлари ҳар бир коммунистнинг авангардлигини таъминлаш учун курашмоқда. Ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларнинг савияси ҳар қачонгидан ҳам оширилмоқда.

Район партия конференциясида коммунистлар қатор қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдиришган эди. Партия ташкилотлари бу фикр-мулоҳазалардан имкони борича кўпроқ фойдаланишга интилмоқдалар. Эндиликда тажрибада синалган илғор усуллар кенг қўлланмоқда.

Маълумки, ўтган йили қишлоқ хўжалигида катта қайинчиликлар рўй берди. Айниқса иқлими оғир бўлган районимиз территориясида бу нарса яна ҳам яққолроқ кўринди. Аввало, узлуксиз намгарчилик уруғни эзиб қўйди. Қанча-қанча гектар ерларда ғўза энди қулоч ёзаётганда ёққан дўл, шунингдек бўрон карталардаги кўчатларни яксон қилиб кетди. Қайта-қайта экишга тўғри келди. Ҳар гал ёғингарчиликдан кейин юз берадиган қатқалоқ деҳқонни ташвишга солди. Ўша кунларда белида қуввати бор ҳар бир киши ўз ўрнини пахта даласида деб билди. Район механизаторларининг жасорати туфайли социалистик мажбуриятни эиёдаси билан адо этилди.

Шубҳасиз қишлоқ хўжалигидаги ишлар об-ҳавога боғлиқдир. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида омилкорлик билан иш тутган ютади. Район партия комитетининг бўлиб ўтган партия конференциясида бу масалага катта эътибор берилди.

Кейинги йилларда чигит экиш далаларга минерал ўғит солиш ва гербицидлар сепиш билан бир йўла олиб борилмоқда. Кўпгина майдонларда туксизлантирилган чигитни аниқ экувчи сеялкалар ишлатилмоқда. Район бўйича 60—65 процентдаги ерда чеканка машиналар ёрдамида бажарилмоқда. Бу тадбирлар чигит экишни қулай муддатларда ўтказиб, соғлом кўчат ва тўлиқ гектардан барпо этишга, меҳнат сарфини камайтиришга икобий таъсир кўрсатмоқда.

Пахта ҳосилдорлиги кейинги уч йилда 2,2 центнерга ортди. Ўтган йил 28,8 центнердан «Оқ олтин» ҳосили олинди. 1-«Далварзин», «КПСС XXV съезди», Ойбек номли совхозлар ва Ленин номли колхозда ҳосилдорлик 31—34 центнердан ошиб кетди. Шу давр ичида Ойбек номли, А. Мавлонов номли, «Авангард» совхозлари ва Дзержинский номли колхозда пахта ҳосилдорлиги 1,5 центнердан 8,5 центнергача ошди. Натижада 1975 йилга нисбатан район бўйича етиштирилган пахта миқдори 5,7 минг тоннага кўпайди. Беш йилликнинг ўтган уч йилида пландан ташқари 4,5 минг тонна пахта давлатга сотилди.

Пахтачиликни ривожлантиришда область партия комитети маъқуллаган 50 центнерчилар ҳаракати яхши натижа бермоқда. Ленин номли колхоздан Адолат Рўзиматова, Ойбек номли совхоздан Валлами Тўхтабоев, 1-«Далварзин» совхозидан Бобохон Отахонов бошлиқ бригадалар ўтган йили 45—57 центнердан ҳосил кўтариб, социалистик мусобақа байроқдорлари бўлдилар.

Ташаббускорлар изидан борган 19 бригада, 4 участка, 2 бўлим коллективлари 35—40 центнерлик маррани забт этдилар.

Ҳосилни йиғиб-териб олишда ипатоволик деҳқонларнинг иш тажрибасидан фойдаланилди. Ўтган йили районимиз бўйича етиштирилган ҳосилнинг 72,7 процента машиналар ёрдамида териб олинди. Бу эса 1975 йилга нисбатан 23,9 процент кўп демакдир. Ҳар бир пахта териш машинасининг ўртача унумдорлиги 11 тонна га ортди. Коммунистлар илғор тажрибаларни умумлаштириш, уларни янада кўпроқ қўллаш лозимлигини айтдилар ва бир қатор камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Шуни айтиш керакки, районимиз областда пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан ҳали орқада. Лекин катта зафарлар қучиш учун имкониятлар бор.

Конференция қатнашчилари «Победа», «Коммунизм» колхозларида пахта ҳосилдорлигини оширишга етарлича аҳамият бермаётганликларини танқид қилдилар. Бу хўжаликларда ҳар гектар ерданн 28—29 центнер атрофида ҳосил олинди. Дзержинский номли колхоз, «Авангард», Мавлонов номли совхозларда ўтган уч йил ичида ҳосилдорлик кўтарилган бўлсада, лекин бу ҳали хўжаликларда ўртача ҳосилдорлик 30 центнердан кам бўлаётганини танқид қилдилар. Районимиз хўжаликларида 27 участка ва бўлимда, 101 бригадада ҳосилдорлик ўртача кўрсаткичдан паст бўлди. Бундай камчиликларни тугатиш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Биринчи галда пахтачиликда юксак деҳқончилик маданияти ва иш сифатини ошириш учун бир мунча ишлар қилинди.

Маълумки, район партия комитети конференцияда билдирилган амалий таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиққан. Район партия комитети, хўжаликларнинг партия ташкилотлари йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, уларни тугатиш ва пахта ҳосилдорлигини кескин ўстириш юзасидан чоралар кўрмоқда. Бу борада яна бир қатор ишлар амалга оширилаяпти.

Биз бу йил ҳар гектар ердан камида 31 центнердан «оқ олтин» олиш, 1980 йилда эса ҳосилдорликни 32—33 центнерга етказишни режалаштирмоқдамиз. Бунинг учун эса бу йил 30 центнердан кам ҳосил олувчи бирорта бригада, бирорта хўжалик бўлмаслигига ҳаракат қиламиз. Ленин номли колхоз азаматлари ҳар гектар ердан 40 центнердан 1-«Дарварзин», «КПСС XXV съезди», Ойбек номли совхоз азаматлари камида 35 центнердан ҳосил олиш учун социалистик мусобақани авж олдирганлар. 50 центнерчилик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида ҳар бир хўжаликда ўзлаштирилмаган ерларни қишлоқ хўжалик обороти га киритамиз. Ерларни капитал текислаймиз. Мелиоратив ҳолатини яхшилаб, карталарини йириклаштирамиз. Шу билан бир қаторда маҳаллий ва минерал ўғитлардан, гербицидлар ҳамда кимёвий воситалардан кенг фойдаланамиз

Бу йил ғўзани машина теримига мослаб парваришлаймиз. 85—90 процент ҳосилни «зангори кема»лар бункеридан тўкишни мўлжалламоқдамиз. Бу йилги ниятимиз ҳар гектар ердан 31 центнердан «оқ олтин» олиб, 70 минг тонналик катта хирмон яратиш.

Шубҳасиз, бундай юксак маррани эгаллашда коммунистларнинг билдирган таклиф ва мулоҳазаларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Билдирилган амалий таклифлар, танқидий мулоҳазаларнинг бир қисми рўёбга чиқарилди. Бундай кейин ҳам партия йиғилишларида бу масала атрофлича ўрганиб борилади.



Пойтахтдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида Роҳат Қўчқорбоева пешқадам тўқувчи сифатида танилган. У кунлик топшириқларини мунтазам ошириб бажариб, фақат аъло сифатли маҳсулот топширяпти.

А. Абалян фотоси.

ПАРТИЯ МАОРИФИ ШОХОБЧАЛАРИДА

ТИНГЛОВЧИЛАР АКТИВЛИГИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Узсельхозтехника» район бирлашмасида ташкил қилинган сиёсий ўқув машғулотлари тингловчиларининг фаол иштирокида ўтмоқда.

Яқинда машғулотларда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ҳамда «Қўриқ» асарларига бағишланган қатор доклад ва лекциялар тингланди. Бирлашма агрономи М. Григорьев «Қўриқ» асари ҳақида ўқиган лекцияси айниқса яхши таассурот қолдирди. Машғулот пировардида тингловчиларнинг саволларига қониқарли жавоблар берилди.

О. ИСРОИЛОВА.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

КАЛИНИН районн «Қорасув» совхозидаги партия ўқуви машғулотларида хўжаликнинг 140 аъзоси қатнашмоқда.

Колхоз партия комитетининг секретари М. Ёқубова бундай дейди:

— Партия маорифи системасида ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрганлигимиз туфайли ҳам машғулотларимиз яхши савияда ўтмоқда. Бизда тингловчиларнинг пухта сиёсий билим олишлари учун тегишли шарт-шароит яратилган. Сиёсий адабиётлар, методик қўлланмалар етарли. Ўқув хонаси бадастур жиҳозланган. Пропагандистларимиз марксча-ленинча таълимот асосларини ўрганишга кенг ўрин бериш билан бирга ишчи-хизматчиларнинг иқтисодий билимини оширишларига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар.

Кейинги вақтда тингловчилар «Фан ва техника тараққиёти — меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омили», «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш — иқтисодий юксалишнинг мезони» каби мавзуларни ўрганишди.

Совхознинг сиёсий маориф кабинетида пропагандистлар учун консультация соатлари ҳам ташкил этилган.

Е. МОРДУХАЕВ.

ҚУРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР ЁРДАМИДА

ТОШКЕНТ райони марказий шифохонасининг терапия бўлимида ҳар ҳафтада бир марта сиёсий ўқув машғулотлари ўтказилади.

Пропагандист, врач Алим Усмонов машғулотларни кўргазмали қуроллар ёрдамида уюштиришга алоҳида эътибор беради. 30 нафар тингловчи сиёсий адабиётлар, лекцияларнинг планлари, конспектлари билан таъминланган. Медиклар кейинги вақтда КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган доклади ҳамда Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқини алоҳида машғулотларда ўрганишди.

Машғулотларда катта ҳамшира З. Мухторова, ҳамшира М. Алимова, санитарка Х. Юсупова ва бошқалар айниқса фаол қатнашмоқдалар.

Т. ДЎСОНОВ.

ФАН ОЛАМИДА

УЛКАН СОВЕТ ҚОМУСИ

КАТТА Совет Энциклопедиясининг учинчи нашри тугалланди. 30 жилдлик энг замонавий қомус мамлакатимиз кутубхоналари, ўқув юртлари, илмий муассасалар, китобхонлар билим хазинасининг зўр маърифий ва маданий мулкига айланди. Бунинг далили сифатида улкан ва серқирра қомуснинг миқёсини ифодаловчи айрим факт ва рақамларни айтиб ўтиш кифоя қилади.

● КАТТА Совет Энциклопедияси (БСЭ) сифат жиҳатидан бундан аввал чоп этилган шу типдаги қомуслардан анча фарқ қилади. Биринчи совет энциклопедиясида 65 минг мақола, иккинчисида эса 100 минг мақола бор эди. Ҳозирги, учинчи қомусда ҳам илм-фаннинг жаъми замонавий ютуқлари асосида ёзилган ҳудди шунча, яъни юз минг мақола бор, аммо бу мақолаларнинг мавзу доираси аввалгиларига нисбатан анча кенг, ёзилиш услуби жиҳатидан эса қисқа, лўнда ва равшандир. Буни жилдларнинг сонидан ҳам кўриш мумкин: биринчи БСЭ 66, иккинчи БСЭ — 51, учинчиси — 30 жилддан иборат.

● ЯНГИ БСЭни яратишда қарийб уч минг ташкилотнинг вакиллари, 10 мингдан ортиқ олим, давлат ва жамоат арбоблари, фан, техника, маданият барча соҳаларининг мутахассислари иштирок этдилар. Муаллифларнинг тенг ярмидан кўпроғи илмий даражага эга.

● ЯНГИ совет қомуси 20 минг ёмма саҳифадан иборат бўлиб, унда ўн мингдан рақамлар, 36 минг расм, 1650 харита (рангли хариталар сони 508 та) келтирилган. 37500 мақола остида библиографик маълумотлар бор.

● БСЭНИНГ учинчи нашри барча халклар ва даврларда яшаган 20 мингдан зиёд тарих, илм-фан, адабиёт, санъат арбоблари тўғрисида лўнда маълумот беради. Қомусдан совет саноати, қишлоқ хўжалигининг энг илғор вакиллари, новаторлар ва ташаббускорлар тўғрисидаги мақолалар ҳам ўрин олган. Барча икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг қисқача таржимаи ҳоли ёритилган.

● СОВЕТ қомусларига қизиқиш жуда қатта эканлигини шундан ҳам билиш мумкинки, агар биринчи БСЭ 60 минг, иккинчиси 300 минг нусхада чоп этилган бўлса, ҳозиргиси 630 минг нусхада тарқатилмоқда. Бу жаҳон энциклопедик нашрлари ичида рекорд кўрсаткичдир.

● МАЗКУР қомус фан-техника революцияси жўшқин асрининг барча соҳа ва жабҳаларини ўзида қамраб олган. Янги нашрда на фақат янги тушунчалар, балки фаннинг буткул янги йўналишлари ҳамда янги фанларининг ўзи ҳам аксини топган. Масалан, иккинчи БСЭда «Ядро техникаси», «Ҳисоблаш техникаси», «Техник қурилмаларнинг мустаҳкамлиги», «Систематехника», «Оргтехника», «Бионика» сингари фан соҳалари амалда ёритилмаган эди. Ҳозирги нашрда эса улар юзлаб мақолаларда таърифланган. Аввалги нашрда «Космос» мавзуи қарийб йўқ эди, ҳозиргисида эса бу мавзу атрофида 350 мақола баҳс этади. Шунингдек, «Техникавий кибернетика ва ишлаб чиқаришни автоматлаш» мавзуида 470 мақола (аввалгисида 70), «Электрон техника» мавзуида 380 мақола (аввалги нашрда бир неча термин изоҳланганди) ёритилган.

● БСЭНИНГ учинчи нашрида «Квантли электроника», «Лазер», «Ночизиқ оптика», «Голография», «Бошқарувчан термоядровий синтез», «Квази-зарралар», «Кварклар», «Гиперядро» сингари физикага оид янги тушунчалар ва йўналишлар ҳақида, шунингдек, химия соҳасида биоорганик химия, элементоорганик бирикмалар, радиацион химия, плазмохимия, физико-химиявий механика ҳақида, биология соҳасида молекуляр биология, экология, радиобиология, ирсийлик табиати ва оқсиллар тузилиши, наслий инженерия ва ҳоказолар ҳақида шундай маълумотларни олиш мумкинки, аввалги қомусларда булар ўз ифодасини топмаганидан табиий, негаки, фанда бу ҳақда илмий асосланган тушунчалар деярли ишлаб чиқилмаган эди.

● ЯНГИ БСЭнинг энг муҳим хусусияти шундаки, у ривожланган социалистик жамият қомусидир. Шу боисдан ҳам марксизм-ленинизм илмий заминида ёзилган жамиятшуносликка оид материаллар кўпчиликни ташкил этади. Унда халқаро муносабатлар ва алоқаларимиз, социал ва илмий-техникавий жараён бир даврда давом қилаётганлиги, мамлакатимизнинг табиий ва социал ранг-баранглиги, унинг қадимги даврлардан то бизнинг кунларимизгача ривожланиши, Ватанимиз табиати, экономикаси, маданияти, демократия ва давлатчилиги каби мавзулар ўзининг тўла ифодасини топган.

● ЯНГИ совет катта қомуси чет элларда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Унинг биринчи жилдлари таржимаси Грецияда чоп қилинди. Италияда уни таржима қилиш ишлари бошлаб юборилди. Испанияда мазкур қомусни нашр қилиш тўғрисида битим тузилди.

● АМЕРИКАДАГИ машҳур фирмалардан бири «Макмиллан» совет қомуси билан АҚШ ҳамда инглиз тилида сўзлашувчи бошқа мамлакатларни таъминлашга қарор қилиб, уни шу дунёвий тилга ағдармоқда. Ҳозиргача АҚШда унинг учдан икки қисми босмадан чиқди, дастлаб белгиланган тиражидан 25 процент кўпроқ сотиб бўлинди.

Гарчи инглиз тилига таржима этилганида қомусдаги сўзларнинг кўпгинаси бошқа бир ҳарфда бошланиб, ўзгача яъни инглизча алифбе тартибини тақозо этсада, совет қомусидаги мақолаларнинг тартибини бузмаслик, уларни топиш осон бўлсин учун махсус кўрсаткичлар берилди. Демак, совет қомусининг тугалланишини кутиб турмай, АҚШдаги мазкур нашриёт уни жилдма-жилд таржима этиб, чоп қила бошлади.

КАТТА Совет Энциклопедиясининг учинчи нашри Совет Иттифоқи, унинг экономикаси, илм-фани, тарихи, маданият, адабиёт ва санъати соҳасида кенг, аниқ, илмий жиҳатдан пухта ва объектив маълумотларнинг улкан манбаи сифатида зўр шуҳрат қозониши бежиз эмас, албатта. Чиндан ҳам у оммавий китобхон учун ўзига хос бутун бир дорифунун хизматини бемалол ўтай олади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев мазкур қомус яратган коллективларга йўллаган табригида айтганидек, Катта Совет Энциклопедияси учинчи нашрининг тугалланиши мамлакатимиз маънавий ҳаётида ажойиб воқеадир.

И. СУЛТОНОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ВАРШАВА. Бу ерда Польша Халқ Республикаси халқ бирлиги фронти — мамлакат оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилотининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари республиканинг бу йил социал-иқтисодий ривожланиш планини бажариш юзасидан топшириқларини, шунингдек ПХРнинг 35 йиллигига жамоатчиликнинг тайёргарлиги билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

БРЮССЕЛЬ. Бу ерда Бельгия Коммунистик партиясининг XXIII съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд делегатлари маъқуллаган умумсиёсий резолюцияда Бельгия буржуа ҳукуматининг сиёсати мамлакат бошидан кечираётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларнинг кескинлашувига олиб келди, деб таъкидланади.

Бельгия коммунистлари социалистик Вьетнамга қарши Хитой агрессиясини ғазаб билан қораладилар ва агрессор қўшинларининг Вьетнам ери дан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар.

Съезд делегатлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш кераклигини ҳамда кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш зарур эканлигини таъкидладилар.

ТОКИО. Японияда ер нархи тобора ошмоқда. Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, уй-жой қуришга яроқли ер участкаларининг нархи ўтган йил мамлакатда 1977 йилга нисбатан жами 6,5 процент ошган. Ҳозирги вақтда пойтахтнинг Синдзюку районида бир квадрат метр ер салкам 3 миллион иена туради. Ер нархининг бундай тез ўсиши мамлакатда уй-жой муаммосини қийинлаштирмоқда.

ҚОБУЛ. Кон ишлари ва саноат министри И. Донишнинг хабарига қараганда, Афғонистон Демократик Республикасининг Апрель революциясидан кейинги реал миллий даромади аввалги йилдагига нисбатан икки миллиард афғони кўпайди.

(ТАСС, 2 апрель).

САДАТ РЕЖИМИГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

БАЙРУТ, 2 апрель. (ТАСС). Араб давлатларининг ҳукуматлари ташқи ишлар ва экономика министрларининг Бағдод конференцияси қарорларига мувофиқ Садат режимига қарши сиёсий-иқтисодий характердаги чораларни кўрмоқдалар. Иордания Миср билан барча дипломатик ва сиёсий муносабатларни узди. Бирлашган араб амирликлари, Катар, Бахрайн ва Саудия арабистонининг элчилари Қоҳирадан чақириб олинди. Маълумки, илгари бирдамлик ва қаршилик миллий фронтига аъзо бўлган мамлакатлар, шунингдек Фаластин Озодлик Ташкилоти Миср билан муносабатларни узган эди. Миср—Исроил «сулҳ» сепарат шартномаси имзоланганлиги натижасида Яқин Шарқда вужудга келган аҳволни муҳокама қилмоқ учун Ислом конференцияси ташкилотига кирувчи давлатлар ташқи ишлар министрларининг кенгаши май ойи бошларида Марокаш пойтахти Рабатда ўтказилажаги эълон қилинди.

Миср ни шу ташкилотдан чиқариш тўғрисидаги таклиф киритилди. Қоҳирадан олинаётган хабарларга кўра Бағдод конференциясининг қатъий қарорлари Миср раҳбарларини ғафлатда қолдирди. Саудия Арабистони, Кувайт, Бирлашган араб амирликлари, Катар сингари давлатлардан олиб турилган молиявий ёрдамдан маҳрум бўлиш Садатга қаттиқ зарба бўлиб тушади. Бу ёрдам, баъзи маълумотларга кўра, 1973 йилдан кейинги давр ичида 17 миллиард долларни ташкил этган.

Миср матбуоти араб мамлакатлари шаънига айтилган ҳар хил туҳмат-бўҳтонлар билан тўлиб-тошган материалларни эълон қилмоқда.

Бағдоддаги конференция шуни кўрсатдики, араб давлатлари Миср—Исроил шартномасининг хатарли оқибатларига қарши ягона фронт бўлиб кураша оладилар, деди Ливан ташқи ишлар министри Фуод Бутрос.

Бағдод конференциясининг қарорлари АҚШнинг Яқин Шарқдаги сиёсатига жиддий зарба урди, деди Байрутда Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси Я. Абд Раббу. Бу қарорлар Америкаининг, сионистларнинг ва Садатнинг арабларга душман режаларига қарши ҳаракат қилиш негизида арабларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш учун соғлом асос яратди.

Биз аминмизки, деб таъкидлайди, Ироқ Компартиясининг органи «Тариқ Аш-Шаъб» газетаси, араблар оммасининг миллий озодлик ҳаракати ва халқаро революцион ҳаракатнинг барча отрядлари билан мустаҳкам иттифоқи, авангардида Совет Иттифоқи тузган социалистик ҳамдўстлик билан ҳамкорлик қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш уларга империализм билан сионизмнинг ҳамма фитналарини барбод этиш имкониятини беради.

ЭРОН РЕСПУБЛИКА ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ТЕҲРОН, 2 апрель. (ТАСС). Икки кун давом этган умумхалқ референдуми давомида эроникларнинг асосий кўпчилиги монфур шоҳ режимини тугатиш ва республика тузумини барпо этиш учун овоз берганлиги туфайли Эрон Ислом республикаси деб эълон қилинди. Шу муҳим сиёсий тадбирда мамлакатнинг 16 ёшга етган бутун аҳолисининг 98 процента қатнашди. Шуларнинг 97 процента бошқарувнинг республика формасини ёқлаб овоз берди. Оятилло Хумайни миллатга мурожаат қилиб барча Эрон гражданларини шоҳ асорати устидан узил-кесил ғалабага эришганлиги билан табриклади ва республика деб эълон қилинган 1 апрель кунини революция куни деб белгилади. У мамлакат аҳолисини муваққат ҳукумат тадбирларини қўллаб-қувватлашга ва революция душманларининг кирдикорларига барҳам бериш мақсадида ғоят ҳушёр бўлишга чақирди.

Бутун мамлакатда ўтаётган оммавий митинглар ва намойишларнинг иштирокчилари республика эълон қилинганлигини табриклаётганлар. Маҳаллий матбуот референдумнинг натижалари ҳеч шубҳасиз мамлакатда аҳвол янада барқарор бўлишига хизмат қилади, деган фикрни билдирмоқда.



ВСР. Ханойда ўтказилган матбуот конференциясида Вьетнам ватанпарварлари томонидан асир олинган хитойлик ҳарбий асирлар Вьетнам ва чет эл мухбирлар саволларига жавоб беришиб, ўз командирлари томонидан алданганликлари, гўё Хитой территориясига бостириб кирганларини айтиб беришди. Суратда: матбуот конференцияси пайти.

АДН—ТАСС телефотоси.

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ЎҚУВИ

ТОШКЕНТ районининг «Шонли меҳнат» газетаси редакцияси ҳузурида ташкил этилган қишлоқ мухбирлари университетида машғулотлар давом этяпти. Навбатдаги машғулотда Шонли меҳнат» газетаси редактори Пўлат Нишонов ахборот ва спорт ҳабарларини ёзиш ҳақида суҳбат ўтказди. Қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири З. Тожибоев газетада қишлоқ хўжалиги масалаларининг ёритилиши мавзуида қизиқарли ҳикоя қилиб берди.

Редакция ҳузурида иш олиб бораётган «Қалдиргоч», «Ёш қаламкашлар» тўгараги машғулотлари ҳам қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда.

И. ТОЖИБОЕВ,
ишчи-мухбирлар университетининг тингловчиси.

ЖИНОИЙ НИЯТЛАР БАРБОД ҚИЛИНСИН!

Хитой ҳукмрон доираларининг авантюристик йўли совет кишиларида қаҳр-ғазаб ҳисларни туғдирмоқда. Улар ер юзидаги барча тинчликсевар жамоатчилик билан бирга маочиларнинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги жиноий кирдикорларига чек қўйилишини қаттиқ талаб қилмоқдалар.

Патрис Лумумба номли Халқлар дўстлиги университети ҳузуридаги 25-поликлиниканинг терапевт-врачи Н. Шереметьева қуйидагиларни айтди:

—маочилар Хитой қўшинлари Вьетнамнинг босиб олинган районларидан «олиб чиқиб кетилди» деб риёкорлик билан гапириб, айни вақтда босиб олинган территориянинг бир қисмини қўлда сақлаб қолишга уринмоқдалар. Шундай қилиб Пекин ташқи сиёсий йўлининг бутун давлатчилик, гегемончилик характери яна бир бор жуда яққол ошкор бўлмоқда. Пекин қўшни давлатларнинг эркин ва мустақил ривожланишига тоқат қила олмаяпти. «Улуғ дарға» ворислари тиниб-тинчимаяптилар: улар музокаралар бошланишини орқага чўзиб, суверен Вьетнамга сурбетларча таҳдид қилмоқдалар, чегараларнинг тарихан таркиб топган чизиғини ўзгартиришга уринмоқдалар. Бироқ, Пекин тўдасининг гегемончилик хом ҳаёллари асло рўёбга чиқмайди, холис ниятли кишиларнинг ҳаммаси Вьетнам халқининг ҳаққоний иши томонидадир.

— Хитойлик агрессорлар муносиб зарбага учрадилар, бироқ бу уларга қаттиқ сабоқ бўлиб хизмат қилмади, — деб таъкидлади СССР халқ рассоми минсалик М. Савицкий,— Улар ҳозиргача ВСРнинг босиб олинган районларидан ўз қўшинларини ҳамма жойдан олиб чиқиб кетганлари йўқ. Вьетнам территориясини тўпладан ўққа тутмоқдалар, тинч Лаос чегарасида қўшин тўпламоқдалар. Пекиннинг шовинистик сиёсати Жанубий-Шарқий Осиёдагина эмас, шу билан бирга бутун ер куррасида ҳам тинчликка хавф солмоқда. Биз, совет рассомлари, ўз овозимизни жаҳон тараққийпарвар жамоатчилигининг қудратли овозига қўшамиз ва Хитай авантюраси тўхтатилишини қатъиян талаб қиламиз.

Еревандаги автомобиль запас қисмлари заводининг механиги, Улуғ Ватан уруши ветерани Л. Мовсесян бундай деди:

— цехга келиб бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлган ёшларимизни кўрганимда қалбим шодликка тўлиб-тошади — ишчиларнинг муносиб ўринбосарлари ўсмоқда. Эсимда, бундан бир неча йил муқаддам буларнинг орасида вьетнамлик болалар — Ереван ҳунар-техника билим юртларидан бирининг шу ерда практикадан ўтган талабалари ҳам бор эди. Кейин улар тинч ҳаёт қуриш учун юртларига қайтдилар. Эндиликда уларнинг ўз мамлакати чегараларини яна қўлга қурол олиб ҳимоя қилишларига тўғри келди. Дунёни янги уруш ёқасига келтириб қўйишга уринаётган кимсаларни асло оқлаб бўлмайди. Хитойлик босқинчиларга лаънат! Вьетнамнинг ҳаққоний иши ғалаба қилади!

(ТАСС).

ХАЛҚ милицияси 60 йилдан кўпроқ вақт ичида катта шонли йўлни босиб ўтди. Бу давр ичда у сиёсий, маънавий жиҳатдан камол топди. Совет кишилари осойишталигини сақлаш, тартибсизлик ва қонунбузарликка қарши курашда бой тажриба орттирилди. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли, халқ милицияси сафи олий маълумотли, тадбиркор кадрлар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Тарбиявий ишларнинг ранг-баранг формаларидан фойдаланиш яхши самаралар бермоқда. Жумладан, профилактика хизматининг жорий этилиши натижасида қисқа вақт ичида сезиларли ютуқларга эришилди.

Яқинда область ички ишлар бошқармаси ва Тошкент милиция олий мактаби ходимлари биргаликда ўтказган «Профилактика — тарбиядаги бош йўл» мавзуидаги илмий-амалий конференция буни яна бир бор тасдиқлади.

Қуйида ана шу конференция иштирокчиларидан бир группасининг фикрларини диққатингизга ҳавола этамиз.

ШАРАФЛИ БУРЧ



Ж. АЪЗАМОВ,
Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

●

КОММУНИСТИК қурилиш жараёнида ҳал этиладиган катта вазифалардан бири янги, ҳар томонлама баркамол инсонни шакллантиришдир. Бу проблемани ҳал этишда ўтмиш сарқитларига, жиноятчиликка ва бошқа қонунбузарлик кўринишларига қарши кураш, аниқроғи юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолларнинг олдини ола билиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан қараганда беш йилдан буён ўзини оқлаб келаётган профилактика хизмати катта қулайликлар яратди. Профилактика йўли — умуминсонийлик йўлидир. У социализмнинг ҳамма принципларига тўла жавоб беради.

Кейинги йиллар ичида профилактиканинг комплекс планлар, тартиб сақлаш бўйича жамоат пунктлари, меҳнат коллективларининг профилактик совети, кўпчилик орасида муҳокама қилиш каби турлари кенг қулоч ёйди. Шуниси характерлики, тарбиявий комплекс планлар соцнал иқтисодий ривожланишдаги планларнинг таркибий қисмига айланди. Бундай планлар олимлар иштирокида партия ва совет раҳбарларининг бошчилигида ишлаб чиқилмоқда. Дастлаб профилактик комплекс план 1973 йилда Тошкент областининг Оққўрғон районида вужудга келди. Кейин бу тажриба аста-секин бошқа шаҳарлар ва районларга ёйилди. 1974 йилдан бошлаб эса бутун область миқёсида ана шундай планларга эга бўлмоқда. Ҳозирги пайтда тартиббузарликнинг олдини олиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг яхши самара бераётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Айниқса, бу соҳада Чирчиқ, Ангрен, Ўрта Чирчиқ ва областимизнинг бошқа қатор шаҳар ҳамда районлари кўзга кўринарли ишлар қилдилар.

Профилактик тадбирлар ичида меҳнат коллективларининг кўнгилсиз ҳолатларни бартараф этиш бўйича олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Ҳозирги пайтда ҳамма жойда профилактика советлари ташкил этилмоқда. Улар маъмурият, партия, комсомол ташкилотларига тарбиявий соҳада актив ёрдам кўрсатаётирлар. Тартиббузарлик ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдаги бу янги форма тез кунлар ичида ижобий натижалар бергач, профилактика советларининг сони ўсиб борди ва шу кунда областимизда 658 та ана шундай совет фаолият кўрсатмоқда. Бу албатта жуда катта кучдир.

Меҳнат коллективида бошланган тарбия ишн гражданларнинг турар-жойларида, ҳатто оиласида ҳам олиб борилиши керак. Биз бунга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Агар бундан беш йил аввал областда тартиб сақлаш бўйича 21 тагина жамоат пунктлари ташкил этилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 230 тадан ошиб кетди. Натижада, жиноятга қўл урувчиларнинг сони тобора камайиб бормоқда.

Ўсмирлар орасида профилактика ишлари олиб бориш бу соҳадаги муҳим проблемалардан биридир. Ички ишлар органларида балоғатга етмаган ёшлар ишлари бўйича инспекциялар ташкил этилган. Уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари СССР Олий Совети томонидан тасдиқлаб берилган. Тошкент области милиция ходимлари бу ишни муваффақиятли олиб бориш учун область комсомол комитети, касаба союз ва бошқа жамоатчи ташкилотлар, халқ маорифи, ҳунар-техника билим юртлари органлари билан яқиндан алоқа боғлади. Шуни айтиш керакки, кўпинча ўсмирларнинг кўнгилсиз воқеага қўл уришларида бепарво, лоқайд, ички ишларга берилган ота-оналарнинг таъсири ҳам катта. Аммо область ички ишлар бошқармасида ташкил этилган инспекция бу соҳадаги тарбия ишларини тобора кучайтираётир.

Бизнингча, ўсмирлар билан ишлаш даврасига СССР ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби ходимлари активроқ жалб қилинса, яхши самарага эришилган бўлур эди. Бунда мактаб ходимлари томонидан оталиққа олиш, қийин тарбияланувчи болаларга мураббийлар биркитиш методларидан кенг фойдаланиш лозим.

Профилактика ишидаги яна бир проблема — ичкиликбозликка қарши кураш проблемасидир. Чунки, содир бўладиган жиноятларнинг жуда кўп қисми мастлик орқасида вужудга келмоқда. Шунинг учун ҳам системали равишда алкоголизмга берилган ва унинг орқасидан турли кўнгилсизликларга йўл қўяётган кишиларни мунтазам равишда ҳисобга олган ҳолда жиноят йўлини беркитиш лозим. Ичкиликбозларни мажбурий даволашни ташкил этиш керак. Областимизнинг йирик корхоналарида, қатор шаҳарларида уларни даволаб, жамоатчилик сафига қайтариш учун махсус профилактик кабинетлар ишга туша, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Гап профилактика ҳақида борар экан, кишиларнинг турмуш муносабатида рўй берадиган тортишувлар, жанжаллар, ҳаттоки, билиб туриб қотиллик қилиш ҳолатларини ёки огир жароҳат етказиш сингари жиноят кўринишларини эсламасдан бўлмайди. Ана шундай воқеалар ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди, албатта. Улар ўзларининг ўтмиш тарихига эга бўлади. Тошкент область ички ишлар органларининг муҳим вазифаларидан бири тортишувли вазиятларга тезроқ аралашиш ва содир бўладиган оғир жиноятни бартараф этишдан иборатдир.

Профилактика соҳасидаги комплекс планлаштиришда эришилган ютуқлар билан биргаликда нуқсонлар ҳам мавжуд. Қуйи ташкилотларда ҳали давлат муассасалари ва органлари билан алоқа етарли даражада ташкил этилмаган. Баъзан профилактика хизмати жиддий огоҳлантирув ишларини олиб бориш ўрнига қоғозбозлик билан шуғулланиб қолади. Биз дарҳол бундай камчиликларни йўқотишимиз керак. Профилактика ишининг самараси реал ҳолатдаги конкрет кўрсаткичларга эга бўлган воқеаларда, жиноятнинг олдини олиш учун олиб борган огоҳлантириш ишларимизда ва жиноятни тезкорлик билан фош этишимизда кўринади. Бу хизматга жалб этилган милиция ходимлари огоҳлантирув ишлари методикасини пухта билишлари лозим. Бу методика педагогик ҳамда психологик тактикага асосланган бўлиши зарур. Шундагина профилактик ишлар борасида биз мўлжаллаган мақсадимизга етаверамиз.



Тошкент область ички ишлар бошқармаси ўтган йилги мусобақа якунларига кўра республикада биринчи ўринни эгаллади ва Ўзбекистон ички ишлар министрлигининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Суратда: республика ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари, генерал майор Г. И. Давидов (чапдан биринчи) байроқни топширгач, область ички ишлар органлари раҳбарлари ва хизматчиларини яна бир бор табрикламоқда.

А. Уткин фотоси.

ПРОФИЛАКТИКА-ТАРБИЯДАГИ БОШ ЙЎЛ

ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ВА ТОШКЕНТ МИЛИЦИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

ЯНГИЧА КУРАШ



А. А. АҲМАДЕЕВ,
Тошкент милиция олий мактаби криминалогия ва профилактика кафедрасининг мудири, юридик фанлари кандидати.

●

ЯҚИН вақтларгача кўпгина ходимларимиз тартиббузарликнинг олдини олишнинг асосий ва ягона йўли фақатгина уни фош этишдан иборат деб билишарди. Ҳозир ҳам ножўя ҳатти-ҳаракатларни далиллар воситасида очиб ташлаш, унинг даражасига караб чора-тадбирлар кўриш аҳамияти йўқолган эмас. Бироқ қонунбузарликка қарши яна бир усул — профилактик тадбирларнинг самарадорлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб, уни ички ишлар хизматидаги йўналтирувчи кучга айлантираётганлигини ҳам энди кўпчилик эътироф қилади.

Бунинг боиси нимада? Аввало мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги улкан прогресслар натижасида жамоатчилик бекиёс катта кучга айланиб, унинг ўз-ўзини идора қилиш ва тартибни сақлаш қобилияти кучайди. Ривожланган социализм шароитида қонунбузарликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашнинг форма ва методлари бойиб бормоқда. Жумладан профилактика ишининг илмий асосда ташкил этилаётганлиги, унинг назарий хулосалар чиқариш имконига эга бўлганлиги ва техник воситалар билан таъмин этилаётганлиги ҳам қувончли натижалар омилидир.

Областимизда илмий-профилактик тадбирларнинг амалга оширишда икки йўналишга алоҳида аҳамият берилляпти. Илмий тавсияларни практик фаолиятга чуқур ва ҳар томонлама жорий этиш, уни амалда синовдан ўтказиш, жойларда профилактик тарбия предметининг ҳуқуқий ва мутахассислик асосларини кадрларга тушунтиришга киришилганига бирмунча вақт бўлди. Ички ишлар органларида профилактик хизмат бўлимлари ташкил этилмоқда. Энди кадрларни танлаш ва тайёрлашда унинг бу соҳадаги хулосалари ҳам инобатга олинаяпти.

Ҳозирги кунда профилактик хизматнинг намунали системасига эгамиз. Ўтган беш йил мобайнида бу соҳа ходимларининг касб-маҳорати, иш тажрибаси янада такомиллашди. Уларнинг омма билан алоқаси мустаҳкамланиб, жиноятчиликнинг олдини олишдаги роли бир неча баравар ортди. Олий ўқув юртлари, меҳнат ва жамоатчилик коллективларида уларнинг кўплаб яқин кўмакдошлари, халқ дружиначилари пайдо бўлди. Узаро тажриба алмашувлар, илмий-амалий конференцияларда тартиббузарликнинг олдини олиш ва меҳнат тарбияси қонунчилигига бағишланган тадбирларнинг ишлаб чиқилаётганлиги ҳамда жорий этилаётганлиги кўнгилдагидек натижаларни бераётир.

Аммо, бу янги соҳани янада ривожлантириш учун ҳали кўпгина вазифаларни бажариш лозим. Умумий ва шахсий профилактик тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш зарур. Бунинг учун ўқув-моддий базасини ташкил этиш, таълим-тарбияга илмий-техника воситаларини кўпроқ жорий этиш, тингловчиларда келгусидаги касбларига муҳаббат уйғотиш маҳоратини янада ошириш талаб этилади. Профилактика мактабларида унинг проблемаларини тадбиқ қилиш, илмий тавсиялар бериш йўли билангина профессионал маҳоратни ошириш мумкин. Шу мақсадда ягона координациялаш методик маркази ташкил этилиб, у жойлардаги ички ишлар органларининг профилактик хизмат ходимларини бу соҳадаги янгиликлар билан таништириб борса ва тегишли тадбирларни амалга ошириш учун ўз вақтида кўрсатмалар бериб турса фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Профилактика ишида участка инспектори марказий фигура саналади. Шу туфайли унинг зиммасига катта масъулият юкланган. Лекин ҳамма жойда ҳам уларнинг тартиббузарликка мойил шахслар билан олиб бораётган ишлари қўйилган талаблар даражасида деб бўлмайди. Фаолияти ҳануз эски форма ва усулларга асосланган айрим участка инспекторларининг бевосита вазифаси ҳақидаги масалани ҳал қилиш муддати етди.

Мамлакатимизда тартиббузарликка қарши курашнинг хилма-хил форма ва усуллари, бу кураш тарихининг кўплаб босқичлари бор. Эндиликда жиноятчиликнинг олдини олиш учун кураш даври бошланган экан, бу ижтимоий моҳиятнинг ножўя ҳатти-ҳаракатлар ва иллатлардан тобора халос бўлиб бораётганлигини билдиради. Профилактика хизмати ана шу курашнинг асосини ташкил этади, демак, уни янада такомиллаштириш шу куннинг талабидир.

МУҲИМ ВАЗИФА

М. С. АБДУЛЛАЕВ,
область ички ишлар бошқармасининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекцияси бошлиғи.



БОЛАЛАРНИНГ ножўя ҳатти-ҳаракатлари қандай ва қайси шароитларда пайдо бўлади? Уларни келтириб чиқарувчи туб сабаблар нимадан иборат? Бу саволлар фарзандлари юзини ерга қаратган кўпгина ота-оналарда ўз-ўзидан туғилиши табиий. Бевосита болалар билан иш олиб борганлигимиз туфайли айрим ҳолларда биз ҳам ана шундай муаммоларга дуч келамиз.

Ёшликдан тарбияга эътибор бермаслик, ўз ҳолига ташлаб қўйиш болалар ножўя ҳатти-ҳаракатларининг дастлабки омили саналади. Болаларнинг назоратсизлигига қарши курашиш мақсадида бу вазифа бевосита шаҳар ва район ички ишлар органларининг раҳбарлари зиммасига юклатилган. Улар балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича доимий комиссия билан ҳамкорликда ўз территорияларида кўпгина профилактик тадбирлар ўтказишади. Жумладан ота-оналар билан бу ҳақда суҳбат ва учрашувлар ташкил этаётирлар.

Айрим пайтларда ўспиринг болаларнинг базъи ишёқмас, ички киликбоз нимсалар таъсирига тушиб қолиши ҳам уни нотўғри йўлга бошлаши мумкин. Бу йўлдан уни дўқ-пўписа ёки таҳдид эмас, балки ҳатти-ҳаракатларининг оқибатини тушунтириш, жамоатчилик ва коллективларнинг маслаҳат ҳамда шахсий намунаси қайтаради. Шу туфайли болалар хоналарининг инспекторлари касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ маорифи ва профессионал-техника таълими органлари, спорт, маданий оқартув муассасалари билан ҳамкорликда оммавий-тарбиявий ишлар олиб боришлари.

Ўспиринларни жиноятга бошловчи яна бир омил уларнинг бирон бир иш ёки ўқиш билан шуғулланмаслигидир. Бекорчиликнинг ҳар хил сабаблари бор. Биз уларни ўрганиб чиқиб, балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича доимий комиссия билан ҳамкорликда мактаб ёки ҳунар-техника билим юртларига йўлланма берамиз. Ишга жойлаштирилганларнинг ишчи-ёшлар мактабларида таълим олишларини ҳам назорат қилиб борамиз.

Оиладаги қўпол муносабатлар, ота-оналарнинг салбий ўрнаги ҳам ўсмир тарбиясида нескин ўзгаришлар пайдо қилади. Болалар тарбияси билан лозим даражада шуғулланмайдиганларни улар меҳнат қилаётган корхона, муассаса ташкилотларининг партия ва касаба союз йиғилишларида муҳокама этиб, чоралар кўрямиз.

Балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ишн асосан зонал тартибда ташкил этилган. Раҳбарларнинг таҳсимотига асосан ҳар бир участкага бевосита ходимлар бириктирилган. Шаҳар ёки район инспекциясининг квартал плани асосида участка инспектори ойлик ва кундалик режаларини тузиб олади. Гражданларни болалар масаласида қабул қилиш, ота-оналар билан суҳбатлашиш ва учрашувлар ташкил этиш маҳсус пунктларда аниқ кўрсатилади. Уларнинг бажарилиш муддатлари юқори органлар томонидан текшириб борилади. Тартиббузарларни ўқиш, иш ва турар-жойларида муҳокама этилиши, уларга нисбатан қўлланилган чоралар ҳам маҳсус дафтарчаларда қайд этиб борилади.

Ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш янги жамият қуришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу туфайли у СССР Конституциясининг ҳам программ вазифаларидан қилиб белгиланган. Бу соҳада намунали ишлаб бораётган Олмалиқ, Чирчиқ шаҳар, Оҳангарон ва Бўстонлиқ районлари ва бошқа ички ишлар бўлимларининг болалар ишлари билан шуғулланувчи инспекциялари серқирра фаолияти ҳам ана шу вазифаларни бажаришга қаратилган.



ЖАМОАТЧИ ПУНКТЛАР

М. Г. ХУСАИНОВ,
Область ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиғининг ўринбосари.

●

РЕСПУБЛИКАМИЗДА, шу жумладан пойтахт областимизда ички киликбозлик, безорилик сингари иллатларга қарши курашнинг энг қулай формаларидан бири — жамоатчилик асосидаги тартиб сақлаш пунктларининг вужудга келганига олти йил бўлди. Пунктларнинг асосий вазифаси — қонунбузарликнинг олдини олишдан иборат бўлиб, бу иш милиция иши, турар-жойдан фойдаланиш корхоналари, уй бошқармалари, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналари, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекциялари, юридик консультация ходимлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Тартиб сақлаш пункти биринчи бўлиб областимизнинг Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида 1973 йилда ташкил этилди. Мебеллар билан жиҳозланган, алоқа воситалари ўрнатилган шинамгина бинода милиция участка инспектори билан жамоатчилик асосидаги тартиб сақлаш пункти вакиллари актив иш бошладилар. Шу йилнинг октябрь ойида СССР ички ишлар министри эрмия генерали Н. А. Шчелоков шу пунктда бўлди ва унинг фаолиятини юқори баҳолади. Кейин йилдан-йилга пунктлар сони кўпая борди.

Жамоатчилик асосидаги тартиб сақлаш пунктлари партия, совет ва ички ишлар органларининг раҳбарлиги остида вужудга келди. Шаҳар ва районлар ижроия комитетлари ҳар бир пунктга бош ташкилотларни бириктириб қўйдилар, профилактика Советлари тузиб, уларга кадрлар танлашда кўмаклашдилар. Тартиб сақлаш пунктларининг жойлашуви, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш борасида ғамхўрлик кўрсатдилар.

Тартиб сақлаш пунктларининг иш самараси қувонарли бўлмоқда. Хусусан ўтган йили 35 та тартиб сақлаш пункти жойлашган зонада битта ҳам жиноий кўринишлар бўлмади, қолганларида эса бу ҳол камайди. Бундай ютуқларга эришишда пунктларда ташкил этилган профилактика Советлари алоҳида роль ўйнадилар. Улар тартиббузарликнинг ҳар қандай кўринишига қарши аҳоли билан ҳамкорликда актив курашдилар. Халқ депутатлари, жамоатчилик вакиллари, кўнгилли дружиначилар бу ишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Чирчиқ шаҳридаги металлурглар посёлкаси, Ўзбекистон ўтга чидамли ва кийин эрийдиган металлар комбинати ҳузурида ташкил этилган жамоат пунктларининг иши мақтовга сазовордир. Комбинатда ташкил этилган пунктнинг профилактика Совети 13 кишидан иборат. Улар план асосида иш олиб борадилар. Ҳар ойда бир марта ўтказиладиган мажлисда жамоат тартибини сақлаш, участкалардаги вазиятга оид масалалар кўриб борилади. Советга комбинат директорининг ўринбосари В.С. Горбачев бошчилик қилади.

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида ташкил этилган тартиб сақлаш пунктида иш жамоат тартибини сақлаш, индивидуал профилактика ҳуқуқ пропагандаси, ўсмирлар билан ишлаш секциялари орқали амалга оширилмоқда. Бу ердаги профилактика Советининг иш плани қишлоқ Советида кўриб тасдиқланади. Кейин эса қишлоқ Советининг ижроия комитети ўз кенгашларида секция раҳбарларининг ҳисоботини эшитиб боради. Шундай ягона планлаштириш ишда тажрибанки йўқотди.

Тартиб сақлаш пунктлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида гап борар экан, уларнинг ишини янада самарали қилиш йўллари тўғрисида ҳам тўхталмоқчиман. Аввало бу пунктлар учун қулай, алоқа воситалари билан жиҳозланган бинолар ажратилиши лозим. Пунктларда участка инспектори билан профилактика Советининг ҳамкорлигини янада таъминлаш тодбирлари белгилашлари керак. Жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика Совети аъзоларининг ролини ошириш, жамоат пунктларининг ўзида тартиббузарлар, қонунга ҳилоф иш тутувчилар билан суҳбатлашиш имконини яратиб бериш керак.

Шундагина биз ҳуқуқ ва тартиботни мустаҳкамлаш борасида партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган режаларни оғишмай амалга оширишни таъминлаган бўламиз.



ОММА ИШТИРОКИДА

КОРХОНА, ташкилот, муассаса, қурилиш ва колхоз-совхоз коллективларида тартиббузарликка қарши курашнинг самарали формаларини вужудга келаяпти. Ўзининг афзаллигини тўлиқ исботлаган профилактика Советлари шулар жумласидандир.

Бундай совет областимизда дастлаб 1971 йилнинг охирида Янгийўл пойафзал фабрикасида ташкил топган эди. Унга раҳбарлик қилиш энг кекса ходимлардан бири П. Е. Корсуновга топширилди. Советнинг куч-ғайрати ва амалий фаолияти туфайли корхонада ишлаб чиқариш интизоми яхшиланди, ичкиликбозлик ва майда безориликка қарши актив кураш олиб борилди. Пойафзалчиларнинг тажрибаси область ички ишлар бошқармаси томонидан ижчил ўрганиб чиқилиб, кейинчалик область партия комитети томонидан маъқулланди.

Ўтган давр мобайнида профилактик Советлар тажрибаси кескин бойиди ва такомиллашди. Ҳозирги кунда мавжуд 650 та Совет ишида 4 мингдан зиёд маҳаллий активлар фаол қатнашмоқдалар. Қоидага биноан уларга партия, касаба союз ташкилотларининг аъзолари, маъмурият ходимлари раҳбарлик қилишмоқда.

Ҳозирги кунда муваффақиятли фаолияти билан меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати ҳамда ишлаб чиқариш интизомини яхшилашга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб советларни тилга олиш мумкин. П. В. Цхай раҳбарлик қилаётган Тўйтепадаги металл конструкциялари заводи қошидаги профилактика Советини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг составида касаба союз, комсомол ташкилотлари женсовет ва ўртоқлик судларининг аъзолари бор. Меҳнат ветерани П. Н. Селюков совет раҳбарининг ўринбосари сифатида ибратли ташаббуслар билан чиқмоқда. Профилактика совети фаолиятида жамиятимизга зид ҳатти-ҳаракатларни муҳокама қилиш, ёшларга илғор ишчи-хизматчилардан мураббийлар бириктириб қўйиш, тартиббузарликнинг сабабларини ва шарт-шароитларини аниқлаб, корхона маъмуриятига конкрет таклиф ва мулоҳазалар билан мурожаат этиш асосий йўналишлардан саналади. Ишга кечикиб келиш ва меҳнат интизомига риоя қилмаслик ҳолларида ҳар бир тартиббузарга жамоатчилик жазоси берилади.

Совет ички ишлар бўлими билан мустаҳкам алоқа боғланган. Бу ҳамкорлик натижасида спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидалари бузилаётган айрим муассасаларга кўп марталаб рейд ва текширувлар уюштирилди. Ана шу ва бошқа кўпгина ибратли тадбирлар натижасида қўлга киритилаётган натижалар қувончли бўлмоқда. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, меҳнат ветерани Н. Г. Толипов, гидролиз цехи аппаратчиси, ишлаб чиқариш илғор Н. С. Гусева ва бошқа кўплаб кишилар аъзо бўлган Янгийўл биохимия заводи қошидаги профилактика Совети ҳам кўнгилдагидек ишлаётир. К. Матаев бошлиқ Ангрен шаҳридаги «Средазуголь» комбинатининг 9-шахтаси ва Э. В. Валиев раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон металлургия заводи қошидаги профилактика Советларининг намунали фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Уларда тартиббузарликнинг олдини олиш соҳасида кўп қиррали форма ва методлардан унумли фойдаланилмоқда. Ҳуқуқ пропагандаси, шахсий профилактика ишлари билан шуғулланувчи секциялар ташкил этилган. Милиция, прокуратура ва суд органларининг ходимлари билан учрашувлар, турли мавзулардаги суҳбат ва лекциялар ҳам профилактика ишида муҳим ўрин тутмоқда.

Ш. АҲМЕДОВ,
область ички ишлар бошқармаси катта инспектори, милиция старший лейтенанти.

●

ШУНИНГДЕК конференцияда сўзга чиққан Тошкент милиция олий мактабининг доценти, юридик фанлари кандидати Б. А. МИРЕНСКИЙ, область ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлимининг бўлимга бошлиғи, милиция капитани Л. А. БУРУШКИН, Тошкент милиция олий мактабининг катта ўқитувчиси М. С. ЗАРИПОВларнинг докладлари, Тошкент милиция олий мактаби бошлиғининг ўринбосари Р. Қ. ҚАЮМОВнинг суҳбати ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

САҲИФАНИ область ички ишлар бошқармасининг ходими Ш. АҲМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари С. ҲАСАНОВ, А. БОБОБЕКОВлар тайёрлашди.

ЖОНКУЯР МУРАББИЙЛАРИМИЗ

РАҲМАТ, УСТОЗ!

ЧИНОЗ районига бориб, истаган кишингиздан «Хайка ака ким бўладилар?» деб сўрасангиз, «У киши бизнинг домламиз, устозимиз бўладилар» деган жавобни эшитасиз.

Ҳа, чиндан ҳам шундай. Бу районда Хайка акани танимаган, унинг тўғрисида эшитмаган одам камдан-кам топилса керак. Ўз камтарин меҳнати, одамийлиги, бутун умрини ёш авлод тарбиясига сарфлагани ва сарфлаётгани туфайли бу инсон кўпчиликнинг иззат-ҳурматига, эъзозига сазовор бўлди.

Ҳар бир киши ўзига таълим-тарбия берган устозлари ичида энг яхшиларини эсда сақлаб қолади, улар номини ҳар гал ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Хайка ака ҳам ана шундайлардан бири.

Мен Хайка ака Юсуповни 35 йилдан бери биламан. Эсимда, Улуғ Ватан уруши давом этаётган 1944 йили бизнинг оиламиз Чиноз районига кўчиб борди. 13 яшар бола эдим, 6-синфда ўқирдим. Хайка ака мен ўқиган А. С. Пушкин номидаги 1-сонли мактабда физикадан дарс берарди. У вақтлар бу мактаб саккиз йиллик эди. Кейинчалик эса ўрта мактабга айланди. Мен 10-синфни шу ерда битирдим. Бизга физика фанидан то мактабни битиргунимизга қадар дарс берган Хайка ака қалбимдан чуқур жой олган устозлардан бири бўлиб қолди. У ўз фанини мукаммал билиши, болаларга ҳамиша диққатшунослиги, яхши инсоний фазилатлари билан бошқа ўқитувчилардан ажралиб турарди. У ҳозир шу мактабга директорлик қилмоқда.

...Шу кунларда мамлакатимиз кино экранларида 20 сериядан иборат «Улуғ Ватан уруши» фильми намойиш этилмоқда. Унда Ватанимиз бошига тушган оғир синов кунлари, совет кишиларининг жанг майдонидаги ва фронт орқасидаги қаҳрамонлиги, ватанпарварлик мотивлари ва ниҳоят ғалаба нашидаси ўз ёркин ифодасини топган. Биз уруш кетаётган пайтда ёш бола эдик. Биз урушни кўрмадик, асло кўрмайлик ҳам. Аммо гитлерчилар бошлаган бу қирғин урушнинг даҳшатларини фронтдан неча минг километр узоқда яшаган бизлар радио орқали эшитардик, газеталардан ўқиб билардик. Ҳамма куч ва воситалар фронтга сафарбар қилинган пайт эди.

Уруш қийинчиликларини шу кичкина бир мактаб ҳаётида ҳам сезиш мумкин эди. Ўқитувчилар етишмасди, қиш кунлари ўтин-кўмир вақтида келтирилмай, совуқдан қалтираб дарс тингларди. Кейинчалик хоналарга тунука печкалар ўрнатишди, трубаси эса дераза форточкаси орқали ташқарига чиқариб қўйиларди. Шу печка ёнига йиғилиб олиб, газета ва бошқа кераксиз қоғозларни ёқиб, совуқ қотган қўл-оёқларимизни иситардик.

Ушанда ҳам Хайка акани эслайман. Дарс бераётиб:

— Болалар, чидамли, сабр-тоқатли бўлиш керак. Уруш тезда тугайди, сўнг ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — дея бизга тасалли берарди...

Мактаб ҳаёти киши хотирасидан сира кўтарилмайдиган, қизиқ лавҳаларга бой бўлади. Уқишдан сўнг пахта теримига чиқилган дамлар, турли фанлар бўйича бошқа мактаб болалари билан мусобақалашув, конкурслар — буларнинг кўпчилигида севимли ўқитувчимиз Хайка ака биз билан бирга бўларди.

Эсимда, физикадан дарсга тайёрланиб келмаган ўқувчига у:

— Қани айтингчи, баҳоингиз неча бўлди? — деб сўрарди.

— Неча бўларди, «2»-да, — деярди ҳалиги бола бошини қуйи солиб.

— Бўлмаса, биз ҳам журналга «2» қўямиз, — дерди домла ва сўнг илова қиларди, — эртага яхши тайёрланиб келинг, сиздан албатта сўраймаи.

Биз Хайка аканинг болаларга меҳрибон ва раҳмдиллигини ҳамиша сезиб турардик. У болаларни жон-дили билан севар, улар учун қўлидан келган ёрдамини аямасди. Ҳатто физикадан уйга берилган масалани ечолмай, кечқурунлари у кишининг уйига борган вақтимизда ҳам бошқа ишларни йиғиштириб қўйиб, бизга ёрдам қўлини чўзарди.

Бу илм даргоҳини битириб чиққанлар орасида партия ва совет ходимлари, олимлар, педагоглар, ёзувчилар, журналистлар, артистлар, инженерлар, фан докторлари ва кандидатлари ҳамда бошқа касб эгалари озмунча эмас. Улар халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг камолотга эришувида оддий бир заҳматкаш бўлмиш Хайка аканинг ҳам улуши бор, албатта.

Мактаб коллективи шу кунларда Хайка ака Юсуповнинг 60 йиллик юбилейини ва 40 йиллик педагогик фаолиятини тантанали нишонламоқда. Биз ана шу дилкаш мураббий, меҳрибон устоз ҳаётидаги бугунги қувончли кунда у билан бирга қувонамиз ҳамда фахрланамиз, ёш авлодни катта ҳаёт йўлига олиб чиқиш ва камолотга етказиш соҳасидаги тинимсиз меҳнатида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Хайка аканинг биз каби юзлаб, минглаб ёшларга берган таълим-тарбияси, бизга сарф қилган меҳнати учун чин қалбдан ташаккур айтиб, деймиз:

— Раҳмат, Сизга, устоз!

Темур РАСУЛЕВ,
Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи Тошкент шаҳар бўлими правлениеси раисининг ўринбосари, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.



Барҳаёт санъат

Жуда қадим-қадим замонлардан буён музика ва қўйқўшиқлар билан бирга халқ санъатининг бошқа кўлгина турлари яшаб, равнақ топиб келади. Шу жумладан, аския, қизиқчилик, дор ўйинлари ва бошқалар халқ турмушига сингиб кетган, ҳамма даврларда уларнинг машҳур ижрочилари бўлган.

Ана шу халқ миллий санъати турларидан бири — ёғоч оёқда рақс тушишдир. Чиндан ҳам катта халқ сайллари, тўй-томошаларда бир ярим метрлик ёғоч оёқда юриб, қўш карнай-сурнайлар садоси остида енгил рақс тушиш ҳаркандай байрам, маъракага кўрк, тантанавор тус беради.

Умидли талант соҳиби Тоҳиржон Юсупов ана шу миллий халқ санъатига ёшлигиданоқ ихлос қўйди. Одам бўйи келадиган ёғоч оёқда рақс тушишигина эмас, ҳатто унда эркин юриш ҳам кишидан катта куч, мустаҳкам ирода ва маҳорат талаб этади. Ёш санъаткор ўз орзусига содиқ қолиб, халқ ижрочилари кўмагида ёғоч оёқда рақс тушиш сирларини қунт билан ўрганди, маҳоратини оширди.

1977 йил Тоҳиржон учун синов йили бўлди. Тошкент тўқимачилар маданият саройи ёш ҳаваскорлари билан бирга Венгрияда ўтказилган бадиий ҳаваскорларнинг биринчи халқаро фестивалида қатнашди. Қўш карнай чалиб, ёғоч оёқда шўх рақс тушган Тоҳиржонни кўп сонли санъат мухлислари қизғин қарши олишди. Ўнинг маҳоратига олқишлар янгради. У Венгриядан фестиваль лауреати бўлиб қайтди.

Шу-шу унинг номи элга танила бошлади. Ҳозир у ўзи ишлаётган М. Қориёқубов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармонияси артистлари билан биргаликда тез-тез республикамиз ва мамлакатимиз шаҳарлари бўлаб гастролларга чиқиб халқимизга ўзбек миллий рақс санъатини маҳорат билан намойиш этмоқда.

Тоҳиржон Юсупов яқинда ўз дўстлари — филармония артистлари доирачи Жўра Аҳмаджонов, созанда Собир Нишоновлар билан бирга яна бир ижодий сафардан қайтиб келди. Бу гал улар февраль ойида Ленинградда ўтказилган VI Бутуниттифоқ ёш эстрада артистлари конкурсида иштирок этишди. «Дароз раққос» рақсини маҳорат билан ижро этган Тоҳиржон Юсупов конкурс дипломанти бўлиб қайтди.

Санъат гулшанида уларга янгидан-янги парвозлар тилаймиз.

А. ТОЛИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

СУРАТДА: Ленинградда бўлиб ўтган VI Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг қатнашчилари — созанда Собир Нишонов, Жўра Аҳмаджонов ва Венгрияда бўлиб ўтган халқаро фестиваль лауреати, VI Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломанти Тоҳир Юсупов (ўртада)ларни кўриб турибсиз.

Автор фотоси.

Реклама ва эълонлар

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
5 АПРЕЛДА
250-СПЕКТАКЛЬ
М. Ашрафий

«ДИЛОРОМ»

3 ПАРДАЛИ ОПЕРА
К. ЯШИН ва М. МУҲАМЕДОВ либреттоси
(А. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» поэмаси асосида)

БОШ ҚАҲРАМОНЛАР ВА ИЖРОЧИЛАР:

Дилором — СССР халқ артисти С. ҚОБУЛОВА.
Мони — Ўзбекистон ССР халқ артисти С. ЯРАШЕВ.
Шоҳ Баҳром — Ўзбекистон ССР халқ артисти С. БЕНЬЯМИНОВ.
Нуъмон — Х. КИЧИМБОЕВ.
Ардашер — А. БОЗОРОВ.
Улуғ Хўжа — Ўзбекистон ССР халқ артисти А. АЗИМОВ.
Кампир — А. АДЖИМАМУДОВА.
Эрон гўзали — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. ЮСУПОВА.
Зиндонбон — Р. ХАХАМОВ.
Посбон — Р. ДАДАБОЕВ.
Сарой беги — Бутуниттифоқ музикали театрлар конкурсининг дипломанти М. МОШЕЕВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти А. АБДУҚАЮМОВ.

Спектакль соат 19.00 да бошланади.
Билетлар театр кассасида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.
Справкалар олиш учун телефон 33-90-81.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ 21-ҚИШЛОҚ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979-80 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртида қуйидаги касбларни эгаллаш мумкин: **кичик ветеринар-фельдшер, чорвачилик фермаси механизатори, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, автослесарь, кенг ихтисосли тракторчи-машинист.** Шоферлик, автослесарлик тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади.

Ўқиш муддати 1—3 йил.

3 йиллик группаларга 8синфни битирган ва 1-йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, қийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, қураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлайди. Футбол майдони, тир мавжуд.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТУГАТГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КОНКУРССИЗ КИРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, тугилганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси (1, 16, 24, 111-автобусларнинг «Троицкий поворот», 20, 89, 12-автобусларнинг «1-Қорасув» бекатлари).

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» трести

ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ

18 ёшга тўлган йигитларни, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларни ва бошқа вақтинча ишламаётган гражданларни лифтлар монтажчиси касбига ўргатиш учун

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ярим ой.

ПРАКТИКА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТИЛАДИ ВА 2 ЯРИМ ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади, бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

ЎҚИШ ЖОЙИГА БОРИШ ВА КЕЛИШ КОРХОНА ҲИСОБИДАН БЎЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри-97, Чилонзор массиви, 6-квартал, Тлефонлар: 78-30-79, 78-30-68.



Бўка район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар йилгидан ҳам самаралироқ хизмат кўрсатишга аҳд қилган. Бу мақсадда комбинатда социалистик мусобақа кенг авж олдирилди. Маиший хизматчилар шу йилнинг биринчи квартал планини ошириб бажардилар. Суратда: (чапдан) аёллар кийими цехининг ёш тикувчиси Фотима Аҳмедова устоз Таисия Газиева билан иш устида. Ўнгдаги суратда: комбинат директори Эргаш Ҳусанов ҳамда пешқадам тикувчилар Г. Жалилова, Р. Егай, А. Октаева, Р. Эсонбоеваларни кўриб турибсиз.

И. Тўлибоев фотолари.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТЕЗ ВА СОЗ

ШУДГОР ёки ҳосилни йиғиб-териш мавсумида қишлоқ хўжалиги техникасини ёмғир-қордан сақлаш тадбирларини кўришга тўғри келади. Агар доимий гараж бўлмаса, вақтинчаси қурилади, машиналар усти брезент ёки пластик билан ёпилади.

Америкаиинг «Цинциннати» фирмаси Москвадаги «Сельхозтехника-78» кўргазмасида пластмассадан тайёрланган том (ангар)ни намойиш қилди. Бундай тўсиқ бир неча дақиқада йиғилади ҳамда машиналар ёки йиғиб-териб олинган ҳосилни ёмғир-қордан асрашда жуда қўл келади.

УЗУМЗОРНИ АСРОВЧИ ТЎР

УЗУМЛАР пишиб етилганида кўпинча уларни хилма-хил қушлар ёки ҳашаротлардан асраш лозим бўлиб қолади. Шу мақсадда Франциянинг «Рок-Пуленк» фирмаси «Крильде» деб аталмиш тўр лентани ишлаб чиқарди.

Бу лента кенглиги бир неча сантиметр бўлиб, маълум нуқталарда ўзаро бир-бири билан боғланган мингта толадан иборат. Агар лентани узунасига ўраб очиб, ён тарафга қараб тортилса, у кенгаяди ҳамда ток шпалери ёки узум шохлари устини ўргимчак ини сингари қоплаб туради.

Бундай тўр лента лар бир ва беш килограммлик ўрамда чиқарилади. Бир килограммлиги узунасига 200 метр, ёнига беш метргача чўзилади. Бир гектар узумзор устини тўла ёпиш учун ўнта шундай ўрам керак бўлади. Беш килограммли ўрам эса узунасига 500 метр, ёнига 7 метр кенгайиб, бир гектар ерга ўнта ўрам етиб ортади.

Жаъми иши уч киши бажаради. Бири орқасида ўрамни олиб юради, икки киши унинг кетидан тўр лентани чўзиб, токлар устига ёйиб боради. Бундай тўр орқали қушлар ўтолмай, ўралашиб қолади, негаки у жуда майда тўқилган. Узум узиш олдидан эса тўрни олиб ёки четга суриб қўйиш ҳам осон.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

ҲАЛИ шаҳар транспорти жонлаимасдан туриб, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институтининг бактерия ва вирусли препаратлар ишлаб чиқарувчи корхонасининг дарвозасидан бирин-кетин автомашиналар йўлга чиқа бошлайди. Уларнинг манзили олис. Бири Жиззах областига йўл олса, бири Сирдарё области томон, яна бири Тошкент области шаҳар ва районларига жўнайди.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг асосий турларидан ҳисобланган гемоглобулин, альбумин, протеин каби кўпгина препаратлар учун хомашёни ўз вақтида етказиб беришда малакали ҳайдовчиларнинг хизмати катта.

Транспортчилар коллективида ветеранлар анчагина. Иигирма-ўттиз йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қилиб келаётган Собит Соқиев, Сергей Гуреев, Семён Ковуновский каби устоз шоферлар билан бирга Оловуддин Зияев, Асқар Мирҳакимов, Мажид Йўлдошев, Геннадий Полумардвинов, Абдураҳим Турсунов ва бошқа кўпгина ёшлар ҳам самарали ишлаб келмоқдалар. Транспорт участкасида 40 дан ортиқ турли маркадаги автомашиналар бор. Транспортчилар коллективига коммунист Тулпор Акбаров раҳбарлик қилади. Участка коллективи аъзолари ҳар бир иш кунини серунум ўтказиш йўлида тинмай изланмоқда. Улар беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам зардоб меҳнат қилиб, план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар.

Ҳайдовчилар юк ташиш самарадорлигини янада ошириш, машиналарнинг доимо шай ҳолда соз туришини таъминлаш тадбирларини кўришмоқда.

Корхона транспортчилари бригадаларо ҳамда ҳайдовчилар ўртасида меҳнат беллашувини авж олдирмоқдалар. Маъмурият эса ўз навбатида мусобақада пешқадамлик қилаётган транспортчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб боряпти.

Т. Акбаров шоферлар ҳақида завқ билан гапиради. «Бир сўз билан айтганда, ишда бўйин товламайдиган йигитлар!», дейди у...

— Алло, бу гаражми? — қаттиқ гапираётган аёл овози эшитилди трубкадан, — Аэропортдан гапиряпмиз. Сизларга Тбилисидан 300 та қўён келди, тезроқ олиб кетинглар. Жониворлар совуқда қолмасин!

— Яхши, ҳозир машина юборамиз!

Тулпор соатига қаради: кеч олтидан ошган. «Ҳамма уй-уйига кетиб бўлди чоғи». Деразадан қараб, гаражнинг бир чеккасида машинасини ювaётган ҳайдовчига кўзи тушди. Иш вақти тугаган. Тулпор шофер Тоҳир Турсунхўжаевни чақирди-да, вазиятни тушунтирди. Шофер дарҳол машинаси рулига ўтирди...

Участка коллектив и в и коммунистик шанбаликни самарали ва сифатли иш билан нишонлашга қарор қилишган. Меҳнат байрами куниида транспортчилар одатдагидан бир мунча кўп юк ташиб беришни режалаштиришмоқдалар.

...Эрта тонгдан йўлга чиққан машиналар кечга яқин бирин-кетин гаражга қайта бошлайди. Узоқ-кун ўринларидан жилмай, машина рулини ушлаганча йўлга отланган чавандозлар йиғилишади-да, эртанги кун режаларини белгилаб оладилар.

Эртага уларни яна йўл, яна манзил кутади. Кишилар саломатлиги ҳақидаги муқаддас тушунчани қалбига жо қилиб олган ҳайдовчилар ана шу йўллар ва манзилларни чарчаш билмай босиб ўтишади.

М. МИРАЛИЕВ.

Спорт

ФУТБОЛ

МУХЛИСЛАРНИ ҚУВОНТИРГАН ЎЙИН

«Пахтакор» — «Динамо» (Киев) — 1:0 (0:0). Тошкент. Марказий «Пахтакор» стадиони. Ҳаво очиқ. 15 даража иссиқ. 45 минг томошабин.

Судьялар: В. Липатов, В. Неборонов (иккаласи Москвадан), А. Солижонов (Тошкент).

«Пахтакор»: Яновский, Куликов, Аширов, Агишев, Загуменных, Корчёнов, Чуркин, Ан, Исоқов, Федоров, Баканов.

«Динамо»: Роменский, Коньков, Болтача, Журавлёв, Зуев, Лозинский, Демьяненко, Хапсалис, Каплун, Бобаль, Блохин.

Тўпни 86 минутда В. Чуркин киритди.

Дублёрлар учрашуви 0:0 ҳисобида тугади.

КЕЙИНГИ уч-тўрт йил ичида стадионга бунчалик кўп томошабин келмаган эди. Мавсумни муваффақиятли бошлаган пахтакорчиларнинг иккинчи учрашувини кўргани келган томошабинлар сафи кенгайгани кишини хурсанд этади.

Бу учрашувни 1962 йил кузида «Пахтакор» — «Динамо» (Киев) ўртасида бўлган ўйинининг айнан такрори бўлди десак янглишмаган бўламиз. Ўшанда стадионни лиқ тўлдирган мухлислар москвалик судья С. Алимовни икки соат пойлашган эди. Об-ҳаво ноқулайлиги сабабли судья ўйинга ўз вақтида етиб келолмаганди. Кечикиб бошланган ўйин ва ўша тарихий ғалаба «Пахтакор» мухлисларининг ҳамон ёдида. Ниҳоятда кескин ўтган ўша учрашувда ҳам тўрт минут қолганда пахтакорчилар ягона тўп киритишганди. Ўнг қанотдан ташланган И. Тазиддиновнинг дарвоза қаршисида турган Ю. Белаковга узатиб берган тўпи майдон эгаларининг зафар қучишни билан якунланганди. Ўтган кундаги ўйинда ҳам худди ана шундай ҳолат такрорланди. Ўша дарвозага гол киритилди. Ўнг қанотдан К. Бакановнинг тепган кучли тўпини қайтарган Роменский Виктор Чуркиннинг қайта зарбасини ушлаб қололмади.

Пахтакорчилар бу учрашувда тўла устунлик қилдилар. 15-минутда Корчёновнинг штраф майдонига узатган тўпини Исоқов қабул қилиб, қийин вазиятда туриб дарвозага тепди. Тўп штангага тегди. Биринчи бўлимнинг ўзида 12 марта бурчакдан тўп тепиш ҳуқуқига эга бўлган пахтакорчилар рақиб дарвозаси олдида яна бир неча қулай имкониятлар яратдилар. Меҳмонларнинг ҳужуми ҳам хавфли бўлди. Тезкор Олег Блохин, Анатолий Демьяненко, Александр Хапсалис, Матвей Бобалларнинг комбинацияларини ҳимоячиларимиз катта қийинчилик билан қайтариб туришди.

23 минутда Олим Аширов билан Равил Агишевларнинг бир-бирларини тушунмасликлари натижасида тўпни эгаллаб олган Бобаль уни бўш дарвозага қараб баландлатиб тепди. Тўсинга тегиб қайтган тўпга биринчи бўлиб етиб келган Блохин нинг зарбаси ҳам хато кетди. 51-минутда Блохин дарвозабон билан юзма-юз келиб яна мақсадга эриша олмади.

Ўйин охирлаган сари пахтакорчиларнинг ҳужуми орта борди. Иккинчи бўлимда тошкентликлар яна 11 марта бурчакдан тўп тепишди. Мухлисларнинг «Шайба», «Шайба» деган ҳайқиришлари бир неча бор авжига чиқди. Ниҳоят ҳужумлар самарасини берди.

Шундай учрашувлар бўладики, мухлислар уни узоқ йиллар ўтгандан кейин ҳам эслаб юришади. Негаки бу ўйин ажойиб комбинациялари билан, қаяжонли дақиқаларга-ю, бутун коллективнинг маҳорати тўла намоён бўлганлиги билан ажралиб туради. «Пахтакор» Киев динамочилари билан бўлган ўтган кунги ўйинида майдонга ғалаба иштиёқида тушди ва мақсадга эришди. Биз командамизнинг бундан кейинги ўйинларини ҳам ана шундай баҳамжиҳат, кўтаринки руҳда ўтказишини истардик.

XXXXII чемпионатнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Қайрат» — «Крылья Советов» — 0:2, «Нефтчи» — «Динамо» (Москва) — 0:1, «Заря» — «Зенит» — 1:2, «Арарат» — «Локомотив» 2:2, «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Минск) — 1:0, «Шахтёр» — «Спартак» — 2:0, «Черноморец» —ЦСКА — 0:1, СКА (Ростов-Дон)— «Торпедо» — 2:1.

Икки турдан кейин Москва ва Тбилиси динамочилари, «Шахтёр» ҳамда «Пахтакор» командалари тўрттадан очко тўплаб, жадвалда карвонбошиликни қўлга олдилар.

Тошкентликлар навбатдаги учрашувни ҳам ўз майдонларида 10 апрелда Куйбишевнинг «Крылья Советов» командаси билан ўтказадилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.15 — Строговлар. Бадиий фильм, 1-серия. 11.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 — Концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.20 — А. Афиногенов ижоди. 17.05 — Москва комсомолининг ишлари. 17.35 — Симфоник поэма. 18.00 — Горичлар қаердасиз? 18.30 — Фан оламида. 19.00 — Қувноқ нотолар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Венгрия Халқ Республикаси телевидениесининг программаси. 21.30 — Вақт. 22.05 — Гренада. Спектакль. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Комиссар гувоҳлик беради. Ҳужжатли фильм. 12.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Вилинея. Бадиий фильм. 18.00 — Икки қайин дарахти. Фильм-эртак. 18.45 — Ахборот. 19.00 —Бугун—Венгрия фашист босқинчиларидан озод этилган кун. 19.30 — Телевизион театр почтаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қашқадарё область музикали театри артистларининг концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Чорвачилик зардоб фронт. 22.25 — Альба Регия. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 — Тошкент телепрограммаси. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/IV да Дилором (250-спектакль).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 4/IV да Келинлар кўзголони, 5/IV да Рўйхатлар да йўқ.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/IV да Олифта, 5/IV да Шаҳзода ва етим қиз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/IV да Беш нуқтли нуёв (12.00), Отилмаган ўқ (19.00).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент,—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02868. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2365.